

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДРАТОВ АЛИШЕР АЛИЖАНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДУККАКЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ  
ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2025**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in Economics Sciences**

**Кудратов Алишер Алижанович**

Қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари..... 3

**Кудратов Алишер Алижанович**

Пути повышения экономической эффективности выращивания зернобобовых продуктов в сельском хозяйстве..... 25

**Kudratov Alisher Alijanovich**

Ways to increase the economic efficiency of growing grain legumes in agriculture..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КУДРАТОВ АЛИШЕР АЛИЖАНОВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДУККАКЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ  
ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Iqt2728** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Умаров Сухроб Рустамович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Эгамбердиев Фармонкул Турсункулович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Алимов Учқун Зоирович</b> иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат иқтисодиёт университети</b> <b>Самарқанд филиали</b>


Диссертация ҳимояси "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университети хузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил "24" феврал соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (360 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)


Диссертация автореферати 2025 йил "5" феврал кuni тарқатилди.  
(2025 йил "5" феврал даги 360 рақамли реестр баённомаси).



  
**Қ.А.Чариев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

  
**Н.О.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.С.Хушматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёдаги демографик ўсиш тенденцияси шароитида аҳолини тиббий меъёр даражасида экологик соф органик озиқ-овқат турлари билан таъминлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Зотан, инсоннинг овқатланиш маданиятини шакллантириш унинг ёши, жинси ва касбий меҳнат фаолиятига боғлиқ ҳолда турлича ёндашишни тақозо қилади. Чунки, кундалик рационда инсон ўз организми талаб қиладиган оқсил, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқа зарур элементларга бой озиқ-овқат турларини меъёрга мос истеъмол қилиши унинг яшаш, самарали меҳнат қилиш фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга мустаҳкам замин яратади. Шу нуқтаи-назардан ҳам, “инсон организми маромда фаолият кўрсатиши учун оқсилга талаб бир кунда унинг вазнининг ҳар бир килограмми учун 0,7 г дан кам бўлмаслиги лозим”<sup>1</sup>. Бу борада нафақат бошқа озиқ-овқат турларига нисбатан кўпроқ оқсилга бой дуккакли маҳсулотлар етиштириш ҳажмини, балки, сифати ва иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш объектив зарурият бўлиб, муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларининг оптимал таркибини шакллантириш, уларни ҳудудлар кесимида жойлаштириш ва ихтисослаштириш жараёнида, шу жумладан, оқсилга бой дуккакли дон экинларига ҳам талаб даражасида ер майдонларини ажратиш, уларнинг юқори сифатли ва ҳосилдор навларини яратиш, уларни парваришлаш учун интенсив технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шундай технологиялардан бири суғориладиган майдонлардан йиғиштириб олинган бошоқли дон экинларидан бўшаган ерларга, масалан мошнинг эртапишар навларини такрорий экин сифатида экиб, дон етиштиришни кўпайтиришдан иборат. Шу боис, жаҳондаги бир қатор ғаллачилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасаларида деҳқончилик тармоғида рақобатбардошликни ошириш, озиқ-овқат бозорларида маҳсулотлар баҳосининг ўсиш жараёнларини таҳлил қилиш, дуккакли маҳсулотларни етиштиришда инновацион техника ва технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам бугунги кунда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш борасида кенг қамровли самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикаимизнинг қулай тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили бошоқли дон экинларидан бўшаган 1 млн. га дан ортиқ суғориладиган майдонларда 120-130 кун ичида ҳосил берадиган такрорий экинлар сифатида маккажўхори, мош, соя, шоли, тарик, кунжут, чорва озуқа ем-хашак экинлари, картошка ва турли хил сабзавотлар экиб, бир йилда икки мартагача юқори ва сифатли ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Шу боис, мамлакатимизда ҳам истиқболда “...бошоқли дон етиштиришда давлат интервенцион харидлар тизимини жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-

<sup>1</sup> Мош етиштириш. – 12-китоб. - “Агробанк” АТБ, 2021.

овқат маҳсулотлари нархларини давлат томонидан тартибга солиш механизмидан босқичма-босқич воз кечиш ҳамда бошокли донни квота асосида бозор нархларида сотиб олиш механизмини жорий этиш...”<sup>2</sup> масаласи стратегик вазифа қилиб белгилаб олинди. Шу вазифалар ижросини таъминлашда, дуккакли дон маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу долзарб мавзуга боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3027-сон “Бошокли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий модернизация қилиш, яшил технологияларни жорий этиш асосида органик дон озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, инновацион технология ва агротехника усулларини жорий этиш асосида мош ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан эътиборга молик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, МДХ давлатлари олимларидан Антоний А.К., Пылов А.П., Задорин А.Д., Зотиков В.И., Балашова Н.Н., Морозов А.К.<sup>3</sup> ва бошқа иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида дуккакли маҳсулотлар етиштиришни табиий-иқлим шароит ва омилларига мос равишда илмий асосда ташкил қилиш, инновациялар жорий этиш орқали агротехник тадбирлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, дуккакли маҳсулотлар бозорини ривожлантириш истиқболларига катта эътибор қаратишган.

Республикада Б.Сулаймонов, Б.Болтаев, Р.Мавлянова, З.Жумаев, А.Сиримов, М.Когай, А.Пилов, Х.Мансуров, Ш.Кенжабаев, Н.Эргашев,

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. – <https://lex.uz/docs/4567334>.

<sup>3</sup> Антоний А.К., Пылов А.П. Зернобобовые культуры на корм и семена. - Л.: Колос, 1980. - 221 с.; Задорин А.Д. Зернобобовые культуры в кормопроизводстве и полеводстве // Кормопроизводство, 2001. - №7. - С. 9-11.; Зотиков В.И. Научное обеспечение производства зернобобовых и крупяных культур в РФ: состояние и перспективы // Зернобобовые и крупяные культуры, 2013. - №2 (6). - С. 11-18.; Балашова Н.Н., Морозов А.К. Проблемы и перспективы рынка зернобобовых культур в Волгоградской области // АПК: экономика, управление, 2004. - №4. - С. 44-47.

Б.Холиқов, А.Иминов, С.Негматова<sup>4</sup> каби олимларнинг илмий ишлари асосан дуккакли дон маҳсулотлари, шунингдек, мош етиштириш агротехникаси ва технологияси, жумладан, мошни анғизда экиш агротехникаси муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган. Аммо, таҳлиллар кўрсатишича, бугунги кунда мош етиштириш ҳажми, иқтисодий самарадорлиги ва сифатини ошириш, унга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш даражаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаган. Шу боис, қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни етиштириш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини назарий жиҳатдан асослаш;

дуккакли маҳсулотларни етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимизда қўллаш бўйича илмий ва амалий жиҳатдан таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ҳозирги ҳолати ва дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;

республикаимизда дуккакли маҳсулотларни сотиш тизимининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолатини баҳолаш;

дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

дуккакли маҳсулотлар етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштириш истиқболлари бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сирдарё вилоятида дуккакли маҳсулотларни етиштирувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар танлаб олинган хўжаликлар маълумотлари

---

<sup>4</sup> Жумаев З., Сиримов А. Мошни анғизда экиш агротехникаси // Суғориладиган ерларда бошоқли ғалладан кейин экиладиган такрорий экинларни парваришлаш бўйича тавсиялар. – Тошкент, 1995. – 18-22 б.; Когай М.Т. Суғориладиган ерларда дуккакли дон экинлар етиштириш. – Т.: Ўзбекистон, 1973. – 40 б.; Пилов А.П. Ловия ва мош. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – 65 б.; Мавлянова Р.Ф., Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С., Мансуров Х.Г., Кенжабаев Ш.М. Мош етиштириш технологияси: Тавсиянома. – Тошкент, 2018.; Эргашев Н. Такрорий экилган мошнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги // “AGRO ILM” журнали, 2017. - №5. – Б. 34.; Холиқов Б., Иминов А. Ғалладан бўшаган майдонларда мош етиштириш // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2016. - №6. – Б. 6.; Негматова С.Т. Турли муддатларда ва меъёрларда анғизга экилган мошнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги. - Дис. икт. фан. номз. – Қарши, 2010.

асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни дуккакли маҳсулотларни етиштириш билан ўзаро боғлиқ хўжалик субъектлари ўртасида вужудга келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида мантиқий ва абстракт фикрлаш, таққослама таҳлил, монографик кузатиш, анкета сўровнома ўтказиш, ARIMA модели ва конструктив ҳисоблаш усулларида кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

дуккакли маҳсулотларни етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш, ички истеъмол ва экспортни рағбатлантириш мақсадида “Дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар уюшмаси”ни ташкил этиш асосланган;

кооперация тамойиллари ва механизмлари асосида “Дуккакли маҳсулотларни етиштириш-сотиш кооперативи”ни ташкил этиш асосланган ҳамда таркибий субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими ишлаб чиқилган;

дуккакли маҳсулотларни экспорт қилиш тизимида трансакция харажатлари ҳамда уларни сақлаш, калибровка қилиш ва қадоқлаш харажатларини субсидия ва бошқа молиялаштириш манбалари орқали қоплаш каби рағбатлантириш механизмлари таклиф этилган;

мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини дуккакли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятларини баҳолаш мақсадида, дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг 2028 йилгача бўлган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дуккакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кадрлар потенциалидан унумли фойдаланиш, ички ишлаб чиқариш захираларини тўлиқ ишга солиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш учун дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар уюшмасини ташкил этиш тавсия этилган;

кооперация муносабатларини ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари таклиф этилган;

дуккакли маҳсулотлар бозорини тартибга солиш, уларни етиштирувчи хўжаликлар билан ўзаро боғлиқ инфратузилма субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар мамлакатимизда дуккакли маҳсулотлар бўйича ички истеъмол ва экспортни рағбатлантириш ҳамда кооперация

муносабатлари асосида дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва сотиш кооперативини ташкил этишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти деҳқончилик тармоғини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий рағбатлантириш механизмлари, фермер хўжаликларида мош етиштириш истиқболларининг асосланганлиги ҳамда олий ўқув юртларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва таълим бериш жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дуккакли маҳсулотларни етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш, ички истеъмол ва экспортни рағбатлантириш мақсадида “Дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар уюшмаси”ни ташкил этиш таклифи Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 6 ноябрдаги 01/03-1469/АР-сонли маълумотнома). Натижада хўжаликлар сифатли уруғ билан таъминланиб, хўжаликларга уруғчилик ва янги навлар селекцияси, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш, логистика хизматларини ташкил этиш имконияти яратилади;

кооперация тамойиллари ва механизмлари асосида “Дуккакли маҳсулотларни етиштириш-сотиш кооперативи”ни ташкил этиш асосланган ҳамда таркибий субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 6 ноябрдаги 01/03-1469/АР-сонли маълумотнома). Натижада фермер хўжаликлари фаолиятида кооперация муносабатлари асосида дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш ва сотиш имкониятлари яратилади;

дуккакли маҳсулотларни экспорт қилиш тизимида трансакция харажатлари ҳамда уларни сақлаш, калибровка қилиш ва қадоқлаш харажатларини субсидия ва бошқа молиялаштириш манбалари орқали қоплаш каби рағбатлантириш механизмлари бўйича таклифи Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 6 ноябрдаги 01/03-1469/АР-сонли маълумотнома). Натижада, дуккакли маҳсулотларни сақлаш, калибровка қилиш ва қадоқлаш харажатларини субсидиялаш, маҳсулотларни ташиш харажатларини компенсация тўловлари орқали рағбатлантириш йўлга қўйилади;

мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини дуккакли маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятларини баҳолаш мақсадида, дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг 2028 йилгача бўлган прогноз параметрлари Сирдарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2024 йил 6 ноябрдаги 01/03-1469/АР-сонли маълумотнома). Натижада, 2028 йилга бориб, фермер хўжаликларида мош етиштириш 47567,6 минг тоннадан ортиқни ташкил этиши, шунингдек ҳосилдорлик 3,0 ц/га ошиши прогноз қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шу жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 137 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари, дуккакли маҳсулотларни етиштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш борасида республикамизнинг деҳқончилик тармоқлари учун қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар йили бошоқли дон экинларидан бўшайдиган 1 млн. гектардан ортиқ суғорма ер майдонларида 120-130 кун ичида ҳосил берадиган такрорий экин сифатида маккажўхори, мош, соя, шоли, тарик, кунжут, ем-хашак экинлари, картошка ва турли сабзавотлар экилиб, бир йилда икки мартагача юқори ҳамда сифатли ҳосил етиштириш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Тадқиқот кўрсатишича, дуккакли-дон ўсимликлари ўзида азот тўплаш хусусияти билан тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилиши жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, бу ўсимлик турлари ерда кўп миқдорда органик моддаларни тўплаш баробарида азот балансини яхшилаб, уларнинг айримлари қийин эрийдиган фосфатларни

Ўсимликлар ўзлаштирадиган шаклга айлантиради ва уларнинг илдизлари туганакларидаги бактериялар ёрдамида атмосферадан олинадиган азотлар билан тупроқни бойитади. Умуман, дуккакли дон экинлари деҳқончиликда учта асосий вазифани бажаришга, яъни, ўсимлик оқсиллини ва дон ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги даврда республикамизда сердаромад донли, дуккакли ва мойли маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида ушбу экинларга ажратиладиган майдонларни кенгайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу тадбир ўз навбатида деҳқончиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш учун катта имкониятлар яратмоқда. Бугунги кунда энг асосий муаммолардан бири бу оқсил масаласини ҳал қилиш, яъни инсонларнинг оқсилга бўлган талабини қондиришдир. Бу масалани ечишда дуккакли дон экинлари турларидан бири сифатида мошнинг роли ва аҳамиятининг катталигини эътироф этиш жоиздир.

Селекционер олимлар олиб борган илмий изланишлар ва тажриба-синов натижалари кўрсатишича, мош ёруғ ва иссиқсевар, тупроқ қурғоқчилигига чидамли ўсимлик ҳисобланади. Мош дони таркибида оқсил, азотсиз моддалар, витаминлар, темир, калий, фосфор, магний, кальций, селен ва кам миқдорда натрий мавжуд. Бу каби дуккакли маҳсулотлар мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Мош ўсимлигининг намликка бўлган талаби ўртача бўлиб, тўлиқ униб чиқиши учун уруғлари ўз оғирлигига нисбатан 120-150 фоиз атрофида нам қабул қилади, ботқоқ ва сизот сувлари яқин бўлган тупроқлардан бошқа ҳамма майдонларда ўсиб ривожланади. Мошнинг ҳосилдорлиги тупроқ иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, апрель-май ойларида экилганда 20-24 ц/га бўлса, такрорий экин сифатида анғизда етиштирилганда эса, 11,8-21 ц/га атрофида ўзгариб туради. Ҳозирда Давлат реестрига киритилган мошнинг Қаҳрабо, Наврўз, Радость, Дурдона, Турон, Зилола ва Маржон навлари бор.

Мош етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

мошни турли иқлим шароитларида ўстириш мумкин, лекин, мош иссиқ ва мўътадил иқлимни, шунингдек, яхши дренажга эга енгил, қумли ёки лой тупроқларни афзал кўради;

мошнинг кўплаб турлари мавжуд бўлиб, уларнинг пишиб етиш вақти, касаллик ва пестицидларга чидамлилиги, шунингдек, донларининг катталиги ва шакли билан фарқланади;

мош одатда уруғларни тупроққа экиш орқали ўстирилади;

мош бошқа дуккаклилар каби, азотни бириктирувчи бактериялар билан цимбиотик муносабатлар орқали тупроқни азот билан бойитади;

мош бактериал касалликлар, антракноз, чанг чириётган ва барг рулоси каби турли касалликлар ҳамда зараркунандаларга сезгир бўлади;

мош жуда тез пишади, одатда экишдан 60-90 кун ўтгач пишади;

мош етиштириш нисбатан оддий бўлиб, уни тўғри парвариш қилиш ва ўсиши учун мақбул шароитларни таъминлаш асосида муваффақиятли амалга ошириш мумкин.

Мошнинг юқоридаги хусусиятларини эътиборга олиш ўз навбатида экин ҳосилдорлиги ва маҳсулотнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга мустақкам замин яратади. Шу жиҳатдан, мош етиштириш самарадорлигини баҳолашда ҳосилдорлик, ялпи даромад, сотиш баҳоси ва олинган фойда, харажатлар, ресурслар нархи, меҳнат унумдорлиги, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш харажатлари ва рентабеллик даражаси каби натурал, нисбий ва иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Олинган натижалар асосида самарадорликни оширишга салбий таъсир кўрсатаётган омилларга асосий эътиборни қаратиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти яратилади.

Дуккакли дон экинлари, айниқса, мош экиладиган ерларга фосфорли ва калийли ўғитларни солиш жуда фойдалидир, чунки, улар илдизда туганак пайдо бўлишига кучли ижобий таъсир кўрсатади. Мош фосфорли, калийли ўғитларга талабчан, баҳорда экилганда гектарига 30-40 кг азот, 60-90 кг фосфор, 30-60 кг калий солинади. Ўғит нормаси хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитига қараб ва экиннинг агробиологик хусусиятларига кўра ўзгариши мумкин. Фосфор ва калий ўғитлари илмий асосланган тавсияларга кўра, асосан ерни кузги шудгорлашдан олдин берилади. Азот ўғити экиш олдидадан культивация қилиш жараёнида солинади. Органик ўғитлардан чириган гўнг гектарига 10-15 т солинганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошади.

Марказий Осиё ва Кавказорти республикаларида мошдан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мошнинг келиб чиқиши Ҳиндистон билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда мош жуда кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Гуржистон, Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Эфиопия каби давлатларда катта майдонларда етиштирилади. Шу боис, мош бозори турли хил қўлланилиши бўйича тўртта асосий сегментга бўлинган бўлиб, жумладан, қуруқ дон (Жанубий Осиё ва Кенияда), ниҳол (Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда), тиниқ крахмал (Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда) ва паста (Шарқий Осиё) давлатларида асосий ўрин эгаллайди. 2021 йилда жаҳон мош ва ловия бозори тахминан 3,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридан даромад олиб, бу кўрсаткич 2028 йилгача ўртача 3,31 фоиздан ортиқ йиллик ўсиши кутилмоқда ва 2028 йилга келиб тахминан 4,8 млрд. АҚШ долларига етиши мумкин. Жаҳон мош ва ловия бозорининг умумий ўсиш имконияти 2022 ва 2028 йиллар оралиғида тахминан 30,25 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, ўзига хос навларни талаб қилиши мумкин бўлган ҳар бир минтақада мош турли хил фойдаланишга эга. Дунё миқёсида мош кўпинча пиширишда ишлатиладиган қуруқ дон сифатида истеъмол қилинади. Жанубий Осиёда (Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва Непал) маҳаллий анъаналарга кўра, қуритилган дуккакли ўсимликлардан тайёрланган мош шўрва сифатида истеъмол қилинади. Кенияда мош, биринчи навбатда, мазали пишириқ сифатида истеъмол қилинади. Бошқа мамлакатларда мош доналари билан боғлиқ таомлар турли усуллар билан тайёрланади, масалан, гуруч билан пиширилади, ширин шўрва қилиш учун ишлатилади (масалан, Хитойда) ёки газак учун панжара пиширилади. Бунга, айниқса, Шарқий ва

Жануби-Шарқий Осиёда кенг тарқалган ниҳол жуда мос келади.

Мош маҳаллий ҳинд экини бўлиб, у яшил грамм ёки ой деб ҳам аталади. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги шоли етиштириладиган тизимларда муҳим озик-овқат ва иқтисодий фойдали экин тури бўлишидан ташқари, у дунёнинг бошқа минтақаларига ҳам кенг тарқалмоқда. Мошнинг ўртача ҳосилдорлиги 7,2 ц/га ташкил этиб, бутун дунё бўйлаб тахминан 7,3 миллион гектарга экилмоқда. Дунёдаги 5,3 млн. тоннанинг 30 фоизи Ҳиндистон ва Мянма давлатлари ҳиссасига тўғри келади. Бошқа йирик ишлаб чиқарувчилар бўлиб Хитой, Индонезия, Таиланд, Кения ва Танзания (Наир) ва бошқа давлатлар ҳисобланади. Умуман олганда, хорижий тажрибалар таҳлили кўрсатишича, ҳозирги даврда мошнинг агробиологик фойдали хусусиятлари туфайли дунё миқёсида ҳам уни етиштиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, жумладан, дуккакли дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш тенденциялари, ушбу тармоқни ривожлантириш йўллари келтирилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, ҳозирги даврда мамлакатимизда етиштирилган дуккакли маҳсулотлар орасида нўхат, мош ва ловия юқори ўринни эгаллайди. Айниқса, мош етиштириш ҳажмини кўпайтириш чора-тадбирларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2023 йилда 360409 тонна мош етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 26,0 фоизга ошган. 2020 йилда етиштирилган мош ҳажми 286007 тоннани ташкил этиб, бу кўрсаткич жами дуккакли маҳсулотларнинг 71,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 70,5 фоизга тенг бўлган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Мамлакатимизда етиштирилган дуккакли маҳсулот турларининг ҳажми ва улуши динамикаси, тонна<sup>5</sup>**

Маҳсулотлар номи	Йиллар				2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
	2020	2021	2022	2023	
Жами дуккакли маҳсулотлар	401612	439835	469483	511400	127,3
ш.ж.: нўхат	32933	34287	40368	36300	110,2
жамига нисбатан, %	8,2	7,8	8,6	7,1	-
мош	286007	305468	332443	360409	126,0
жамига нисбатан, %	71,2	69,4	70,8	70,5	-
ловия	77269	73688	79562	93500	121,0
жамига нисбатан, %	19,3	16,8	16,9	18,3	-
бошқа дуккакли дон экинлари	5403	26392	17110	21191	3,9 марта
жамига нисбатан, %	1,3	6,0	3,7	4,1	-

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат статистика агентлигининг маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, дуккакли маҳсулот турлари бўйича мошдан кейин ловия кейинги ўринда туради. Жумладан, республикамизда 2023 йилда 93500 тонна ловия етиштирилган ва бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 21,0 фоизга ошиб, унинг улуши мос равишда 19,3 ва 18,3 фоизни ташкил этган. Таққосланаётган йилларда нўхат ишлаб чиқариш мос равишда 36300 ва 32933 тоннани ташкил этиб, 10,2 фоизга ошган ҳолда унинг улуши 8,2 ва 7,1 фоизга тенг бўлган.

Монографик ўрганилган Сирдарё вилоятида эса, 2023 йилда об-ҳавонинг салбий таъсири оқибатида дуккакли дон маҳсулотларини етиштириш ҳажми 2022 йилга нисбатан камайган. Масалан, 2023 йилда 2020 йилга нисбатан мош етиштириш 42,4 фоизга камайиб, 23976 тоннани ва унинг улуши жами дуккакли дон маҳсулотлари ҳажмининг 88,7 фоизини ташкил этган (2-жадвал).

**2-жадвал.**

**Сирдарё вилоятида етиштирилган дуккакли маҳсулот турларининг ҳажми ва улуши динамикаси, тонна<sup>6</sup>**

Маҳсулотлар номи	Йиллар				2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
	2020	2021	2022	2023	
Жами дуккакли маҳсулотлар	43287	40100	52549	27064	62,5
ш.ж.: нўхат	260	2152	1991	812	3,1 марта
жамига нисбатан, %	0,6	5,4	3,8	3,0	-
мош	41640	36326	44747	23976	57,6
жамига нисбатан, %	96,2	90,6	85,1	88,7	-
ловия	1274	1496	5710	2241	175,9
жамига нисбатан, %	2,9	3,7	10,9	8,2	-
бошқа дуккакли дон экинлари	113	126	101	35	31,0
жамига нисбатан, %	0,3	0,3	0,2	0,1	-

Вилоятда 2020 йилда 260 тонна нўхат етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 812 тоннани ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 3,1 мартага ошган. Шунингдек, шу даврда ловия етиштириш ҳажми 75,9 фоизга ошган. Бироқ, 2023 йилда 35 тонна бошқа дуккакли маҳсулотлар етиштирилган бўлсада, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 69,0 фоизга камайган. Яъни, вилоятда нўхат ва ловия етиштириш ҳажмининг ошганлиги ҳисобига бошқа дуккакли маҳсулотлар ҳажми нисбатан камайган.

Монографик тадқиқот сифатида Гулистон тумани “Далер Ботиров нияти” фермер хўжалигида такрорий экин сифатида мош етиштириш самарадорлиги ўрганилди. 2023 йилда фермер хўжалиги томонидан 11 гектар ер майдонида такрорий экин сифатида мош етиштирилиб, мошнинг ҳосилдорлиги 11,5 ц/га ташкил этган (3-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2020 йилда фермер хўжалиги томонидан мош етиштириш учун 43270 минг сўм харажат қилинган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 40,2 фоизга ошиб, 60688 минг сўмни, шунингдек, шу давр

<sup>6</sup> Сирдарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

ичида фермер хўжалигининг ялпи даромади 50,0 фоизга ошиб, 120 млн. сўмни ташкил этган. Эътиборли томони шундаки, фермер хўжалигининг фойдаси муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Масалан, бу кўрсаткич 2023 йилда 59312 минг сўмга тенг бўлган ҳолда 2020 йилга нисбатан 61,4 фоизга, рентабеллик даражаси эса 2020 йилда 84,9 фоиз ва 2023 йилда 97,7 фоизни ташкил этиб, 12,8 бандга ошган.

**3-жадвал.**

**“Далер Ботиров нияти” фермер хўжалигида мош етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, минг сўм<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
		2020	2021	2022	2023	
1	Экин майдони, га	10	10	10,5	11	110,0
2	Ҳосилдорлик, ц/га	10	10,5	11,7	11,5	115,0
3	Ялпи ҳосил, тонна	10	12,5	12,3	12,6	126,0
4	Уруғлик харажатлари	2640	3178	3564	3600	136,4
5	ЁММ харажатлари	2320	2794	3132	3420	147,4
6	Минерал ўғит харажатлари	3500	4210	4725	5230	149,4
7	Кимёвий воситалар харажатлари	4500	5410	6075	6110	135,8
8	Транспорт хизмати харажатлари	4200	5050	5670	5870	139,8
9	Иш ҳақи харажатлари	19800	23770	26730	27640	139,6
10	Иш ҳақи ажратмаси	2376	2861	3207	3290	138,5
11	Бошқа харажатлар (10%)	3934	4730,8	5210	5528	140,5
12	Жами харажатлар	43270	52004	58313	60688	140,2
13	Ялпи даромад	80000	96010	108000	120000	150,0
14	Фойда	36730	44006	49687	59312	161,4
15	Рентабеллик даражаси, %	84,9	84,6	85,2	97,7	-

Шунингдек, тадқиқот ишида республикада мош ишлаб чиқариш, уни истеъмолчиларгача етказиш босқичларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва улар бўйича амалий ечимлар топиш мақсадида мош етиштирувчи фермер хўжаликларида сўровномалар ўтказилди. Респондентларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда дуккакли экинлар ва маҳсулотларнинг зараркундалар билан зарарланиши оқибатида ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичларининг пасайиши, уларга қарши курашиш учун мос пестицидларнинг деярли йўқлиги ва яхши сараланган, серҳосил ҳамда ташқи салбий таъсирларга чидамли уруғларнинг етишмаслиги каби муаммолар шулар жумласидандир. Масалан, сўровномада қатнашганларнинг 80 фоиздан ортиғи кучли таъсирли пестицидларнинг мақбул нархларда мавжуд эмаслиги энг асосий муаммо эканлигини билдиришган. Фермерларнинг 62,3; 49,7 ва 43,4 фоизи серҳосил навларнинг йўқлиги, ўриб олинган ва тайёр мош партияларини шу даврда сотиш нархининг пастлиги,

<sup>7</sup> “Далер Ботиров нияти” фермер хўжалиги маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

харидорлар тўлов қобилияти ва вақтга боғлиқ нархларнинг ўзгарувчанлиги, ўрим-йиғимдан кейин зарар кўришганини таъкидлашган. Умуман, юқоридаги ва бошқа мавжуд муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратиш лозим.

Маълумки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларнинг барқарор ривожланиши уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга бевосита боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими асосан ташқи бозорларни ўзлаштириш ва улар географиясини кенгайтиришга қаратилган. Бу йўналишларда олиб борилаётган чора-тадбирлар доирасида мамлакатимиз ҳукумати томонидан, жумладан, мева-сабзавот ва дуккакли дон маҳсулотлари экспортига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2023 йилда 1757,7 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 1180,8 млн. АҚШ доллари қийматида экспорт қилинган ва ушбу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 18,9 минг тоннага ўсиб, жами экспортнинг 4,8 фоизини ташкил этган. 2023 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортнинг 10,2 фоизи мошнинг улушига тўғри келган.

Шунингдек, 2023 йилда Сирдарё вилоятида етиштирилган дуккакли маҳсулотларнинг 13705 тоннаси (50,6%) экспорт қилинган, 3182 тоннаси (11,8 %) Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг бозорлари ҳамда бошқа ярмаркаларга сотилган, 10177 тоннаси (37,6 %) ички истеъмол учун ишлатилган. Вилоятда дуккакли дон маҳсулотларини экспорт қилиш яхши йўлга қўйилганлиги боис, уларнинг 50,6 фоизи 18266,2 минг АҚШ долларига экспорт қилинган ва бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 65,3 фоизга ошган (4-жадвал).

**4-жадвал.**

**Сирдарё вилоятида экспорт қилинган дуккакли маҳсулотлар қиймати, минг АҚШ доллари<sup>8</sup>**


№	Ҳудудлар номи	Йиллар				2023 й.ни 2020 й.га нисбати, %
		2020	2021	2022	2023	
1	Боёвут тумани	166,7	-	-	-	-
2	Гулистон тумани	-	712,5	891,8	728,6	-
3	Гулистон шаҳар	-	294,0	1767,7	507,4	-
4	Мирзаобод тумани	149,6	3240,1	2597,0	2174,8	14,5 марта
5	Оқолтин тумани	2747,5	782,5	689,1	3310,9	120,5
6	Сайхунобод тумани	120,9	-	809,3	1555,4	12,9 марта
7	Сардоба тумани	241,0	1027,9	993,8	1826,8	7,6 марта
8	Сирдарё тумани	4647,9	3770,2	4321,0	5697,6	122,6
9	Ховос тумани	2807,7	4265,7	3167,6	2271,0	80,9
10	Янгиер шаҳар	269,3	29,6	1,6	6,2	2,3
11	Ширин шаҳар	-	-	1130,6	187,5	-
	<b>Жами</b>	<b>11150,6</b>	<b>14122,5</b>	<b>16369,5</b>	<b>18266,2</b>	<b>163,8</b>

2023 йилда экспорт қилинган дуккакли маҳсулотларнинг 72 фоизи ловия, 18,1 фоизи мош ва 9,9 фоизи тариқнинг ҳиссасига тўғри келган. 2023 йилда

<sup>8</sup> Сирдарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

экспорт қилинган ловия қиймати 2020 йилга нисбатан 71,6 фоизга ва тарик экспорти 96,5 фоизга ошиб, мошнинг экспорти эса 14,4 фоизга камайган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун бугунги кунда мазкур тармоқда инвестицион жозибадорликни ошириш, инновацион фаолликни рағбатлантириш ва мавжуд ички муаммоларни ҳал қилишга тўсиқ бўлаётган салбий омилларни юмшатиш асосида дуккакли маҳсулотларни етиштириш ҳамда экспорт самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳозирги кунда фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларида мош уруғчилиги, маҳсулотларни етиштириш, сотиш каналлари ва нархлари тўғрисидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги ҳамда ноаниқлиги, мошни экспорт қилишда тўсиқларнинг мавжудлиги уларга баъзи қийинчиликларга дучор бўлиши ва иқтисодий зарар кўришига олиб келмоқда. Шу билан бирга, хўжаликларнинг янги ҳосилдор ва сифатли навлар бўйича маълумотга эга эмаслиги, маҳсулотларни етиштириш агротехникасига риоя этилмаслиги экинлар ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал этиш, дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш мақсадида, ягона бошқарув тизимли республика “Дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар уюшмаси”ни ташкил этиш ва унинг таркибий тузилмасини шакллантириш лозим деб ҳисоблаймиз (1-расм).



**1-расм. Дуккакли маҳсулотларни етиштирувчилар уюшмасининг таркибий-бошқарув тузилмаси<sup>9</sup>**

<sup>9</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Уюшманинг фаолияти демократик бошқарув тамойилларига асосланиб, бунда аъзоларнинг унга ихтиёрий равишда аъзо бўлиши ва ўз ҳиссаларини қўшиш ҳуқуқлари, маҳсулотни ички бозорга сотиш ва экспортдан келадиган фойдани аъзолар ўртасида мутаносиб равишда тақсимлаш йўлга қўйилади ва натижада уюшма фаолиятининг барқарор ривожланиши таъминланади. Шу билан бирга, уюшма фаолияти мамлакатимиздаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мос равишда йўлга қўйилиши лозим.

Мазкур уюшма ишлаб чиқарувчиларни сифатли уруғ билан таъминлаш учун уруғчилик-селекция ишларини тегишли илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилиш, ўсимликлар ҳимояси ва карантини, маҳсулот сифатини назорат қилиш, бу масалаларда хўжаликларга маслаҳат бериш, транспорт-логистика хизматини кўрсатувчи ва дуккакли маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш муносабатлари ва чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, инновация ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Энг муҳими, уюшманинг асосий мақсади ва йўналиши дуккакли маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликларга зарур ресурслар ва хизматларни етказиб бериш, бозор талабларига жавоб берадиган сифатли ва қўшилган қиймат яратувчи рақобатбардош маҳсулотлар ҳажми ва экспортини кўпайтириш орқали улар даромадлари ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилиши лозим.

**“Дуккакли маҳсулотларни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида дуккакли маҳсулотларни етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари, қишлоқ хўжалигида дуккакли маҳсулотларни етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ҳамда Сирдарё вилоятида мош етиштириш истиқболлари келтирилган.

Мамлакатимиз деҳқончилик тармоғининг таркибий соҳаларидан бири ҳисобланган дуккакли дон маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этиш ўринлидир. Шу жиҳатдан, бизнингча, дуккакли маҳсулотларни етиштириш ва шу маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналиш ва омилларга асосий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, яъни, дуккакли маҳсулотларни бозорга чиқариш ва сотишни ҳамда мулкий ҳуқуқ ва ўзаро муносабатларни таъминловчи, таъсисчи аъзоларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилувчи, хўжалик механизмларини пировард натижаларга боғловчи яхлит тизимли кооперативларни ташкил қилиш ва ривожлантириш; уларнинг ташқи дон маҳсулотлари бозорларига чиқиш имкониятларини ва ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш.

Маълумки, дуккакли маҳсулотларни етиштирувчи хўжаликларнинг тарқоқлиги ва майдалиги, маҳсулотларни сотиш учун кафолатли каналларнинг йўқлиги, шаҳар озиқ-овқат бозорларига киришдаги баъзи бир муаммолар, шунингдек, маҳсулотларни сотиш ва экспорт қилишнинг қийинлиги, уларни тайёрлаш жараёнида аксарият ҳолларда норасмий воситачиларнинг иштирок этиши туфайли олинган фойданинг асосий қисми улар қўлига ўтиши каби

салбий ҳолатлар мавжуд. Оқибатда дуккакли маҳсулотлар етиштирувчиларнинг мулкӣ ва иқтисодӣ манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотлар нархининг ўсишини олдини олиш имкониятлари чекланиб қолмоқда. Шунингдек, баҳор фаслида дуккакли маҳсулотларга бўлган талаб унинг таклифидан ошади, шу боис, истеъмолчиларнинг дуккакли дон маҳсулотларига бўлган талабини мавсумӣ қондириш учун уларни сақлаш иншоотларини яратиш, муддат ва усулларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

